



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 15 август, № 167-168 (7125-7126)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲАР БИР ТАРМОҚ, ҲУДУД ВА ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ СТРАТЕГИЯ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 август куни мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюмлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан ўтган ойда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 64 миллиард долларлик 849 лойиҳа рўйхати шакллантирилди. Уларнинг 456 тасини 2018 йилда, 125 тасини 2019 йилда, 268 тасини истиқболда амалга ошириш белгиланган.

Президентимиз жорий йилда 5 миллиард 800 миллион доллар миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу борада тартиб-интизом ва самарадорликни таъминлаш мақсадида ҳар йилга белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш учун нафақат Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва тармоқ идоралари раҳбарлари, балки Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар, қўмиталар раислари ҳамда Президент давлат маслаҳатчилари шахсан масъул этиб бириктирилди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири барча инвестиция лойиҳаларига умумий раҳбарлик қилиш билан бирга, 144 та лойиҳа, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари 18 та лойиҳа бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишига бош-қош бўлади.

Йиғилишда инвестицияларни жалб этиш бўйича ижро натижаси қониқарсиз экани қайд этилди. Масалан, Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан бажарилиши режалаштирилган ишлар ҳажми 7 фоизгагина етган. Вилоятлар кесимида оладиган бўлса, мисол учун, Хоразмда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар қиймати атғи 10 миллион долларни ташкил этади. Бу мамлакат бўйича энг паст кўрсаткичдир.

Йиғилишда қайси раҳбар қандай инвестиция лойиҳаларига масъул экани, уларнинг қиймати ва бажарилиш муддатлари бирма-бир муҳокама қилинди. Тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш ҳолати бўйича мутахаддиларнинг ҳисоботлари тингланди.

Бош вазир ўринбосарлари, ҳокимлар ва тармоқлар раҳбарларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни вақтида ва сифатли

бажариш, янгиларини ишлаб чиқишни таъминлаш топширилди. Бунинг учун ҳақвал асосида ҳар ҳафта ҳудудларга чиқиш, лойиҳа ташаббускорлари билан алоқада бўлиш ва уларнинг муаммоларини аниқлаш, автоматлаштирилган мониторинг тизимини жорий этиш, жойларда халқаро инвестиция форумларини ўтказиш лозим.

— Лойиҳаларни амалга ошириш мониторингини автоматлаштирилган тизимга ўтказмас эканмиз, бу борадаги муаммоларни ўз вақтида аниқлай олмаймиз. Бу тизим тўғридан-тўғри хорижий сармоя киритаётган инвесторларга амалий қўмаклашиши, уларнинг ишини осонлаштириши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ой охирида Жиззахда халқаро инвестиция форуми ва Товар ишлаб чиқарувчиларнинг миллий кўргазмасини ўтказиш кўзда тутилаётганини қайд этар экан, мазкур тадбирларни юксак савияда ўтказиш учун барча чоралар кўрилиши зарурлигини таъкидлади. Ҳар бир вазирлик, ҳокимлик ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўзи масъул бўлган тармоқ, ҳудуд ва соҳа бўйича махсус тақдиротлар тайёрлаб, ўшбу форумда намойиш қилиши, мамлакатимизнинг хориждаги элчихона ва ваколатхоналари бундай анжуманларда қатнашиш учун қамиди

4-5 тадан салоҳиятли инвесторларни топиши керак.

Йиғилишда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг хорижий давлатларга қилган хизмат сафарлари натижаларига ҳам эътибор қаратилди.

Аввал берилган топшириққа мувофиқ, Ишчи гуруҳ томонидан бу борадаги ишлар ўрганилгани, хусусан, Фарғона, Андижон, Наманган, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бир қатор тизимли муаммолар аниқлангани қайд этилди. Ушбу ҳудудларда фармацевтика, электротехника ва машинасозлик соҳасида кенг имкониятлар мавжуд бўлса-да, асосан, қурилиш материаллари ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мева-сабзавотни қайта ишлаш лойиҳалари билан чекланилгани танқид қилинди. Юқори технологик тармоқларга асосланган лойиҳалар бўйича ҳеч қандай тақлиф қилинмагани.

Кўпчилик делегация аъзоларининг мақсадида дастури бўлмагани, хорижликларга ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти бўйича аниқ маълумотлар берилмагани, айрим қелишувлар қозғода қолиб кетаётгани кўрсатиб ўтилди. Масалан, жорий йилнинг март ойда Бельгияга борган Наманган вилояти делегацияси Норин туманида 200 бош қорамолга мўлжалланган

чорвачилик комплексини ташкил этиш бўйича 3 миллион долларлик лойиҳа қелишувини имзолаган. Бироқ орадан 5 ой ўтганига қарамасдан, уни амалга ошириш бўйича ҳеч қандай иш бошланмаган.

Инвестиция қулай муҳитни талаб қилади. Мамлакатимизда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш борасидаги ишлар жадал давом этмоқда. Лекин вазирлик ва идораларда, ҳокимликларда бугунги кун, яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган инвестициявий стратегия йўқ, яъни ташаббускорлик кўзга ташланмапти.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи ишлар вазирлиги маҳаллий делегацияларнинг хорижий мамлакатларга хизмат сафарлари олдидан ташрифнинг мақсади, тақлиф этилаётган лойиҳалар ва қўтилаётган амалий натижалар бўйича тақдирот ўтказиш тартибини жорий этиши зарурлиги таъкидланди. Хизмат сафариде эришилган қелишувлар бўйича “йўл хариталари” ва тармоқ ҳақваллари ишлаб чиқиш ҳамда қатъий ижро этиш, тармоқ ва йўналишларни назарда тутувчи Инвестициявий стратегия лойиҳасини тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ ВА ҚҮРБОН ҲАЙИТИ БАЙРАМИ МУНОСИБ ЎТҚАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов раҳбарлигида 2018 йил август ойида мамлакатимизнинг барча ҳудудида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги, 18-19 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил этиш ва Қурбон ҳайитини нишонлашга тайёргарлик кўриш, уни муносиб ўтказиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Дастлаб, 18-19 август кунлари мамлакатимиз бўйлаб ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашарини муносиб ташкил этиш билан боғлиқ масалага тўхталиб ўтилди.

Муштақилигимизнинг йиғирма етти йиллиги ва Қурбон ҳайити байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига алоҳида дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-муруват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, ёшларимизни юксатиниш туйғулар руҳида ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш,

маҳаллалар, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ва республиканинг барча ҳудудида санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида 2018 йилнинг август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойи деб эълон қилинди.

Ҳашар қунлари аҳоли, айниқса, ёшлар онгиде “Ободлик кўнгилдан бошланади” деган ғояни чуқур сингдириш, ўз уйини, маҳалласини, иш жойини тоза, озода сақлаш, обод бўлишига ҳисса қўиши, бу жараёнларга маҳалла аҳолиси, корхона ва ташкилотлар ишчи-ходимларини уюшган ҳолда, жамоа бўлиб иштирок этишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

4

ЯНГИ НАМУНАДАГИ ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академикларига янги намунадаги гувоҳномалар топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, илм-фан доираси вакиллари, академиклар, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари иштирок этди.

Президентимиз раҳбарлигида 2018 йил 20 июль куни Ядро физикаси институтида Фанлар академияси ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашув бўлиб ўтган эди. Мулоқотда академиклар гувоҳ-

номасининг янги намунасини ишлаб чиқиш, академикларни гувоҳнома билан тегишли вазирликлар ва идораларга ҳеч қандай тўсиқсиз қиришини таъминлаш юзасидан билдирилган тақлифлар тўлиқ қўллаб-қувватланди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан академикларнинг янги намунадаги гувоҳномаси ишлаб чиқилди.

4

Эксклюзив интервью

ШҲТ тинчлик ва дўстлик сарҳадларини мустаҳкамлайди

Шу йил июнь ойида Хитойнинг Циндао шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 18-саммити бўлиб ўтди. Экспертлар уни тарихий ва қатор муҳим ташаббуслар қўллаб-қувватлангани боис, ҳатто ташкилотнинг кейинги даврини белгиллаб берди, дея таърифламоқдалар. Ана шу саммитда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Владимир Норов ШҲТ Бош қотиби лавозимига тасдиқлади. У 2019 йил 1 январдан ўз лавозимига расман киришади. Мухбиримиз Владимир НОРОВ билан эксклюзив интервью уюштирди.

— Владимир Имомович, Циндао саммитининг асосий натижалари нималардан иборат бўлди?

— Бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бир қатор обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар орасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлмоқда, минтақавий ва глобал микёсда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил ривожланишининг таъсирчан омили бўлиб хизмат қилапти.

Ўз навбатида, қайд этиш жоизки, ташкилот ўз ишида очкилик ва учинчи томонга қарши йўналмаслик таъминлашига таянмоқда. Ишонч, тенглик, ўзаро манфаат ва маслаҳатлашувлар, маданиятлар хилмаҳиллигини ҳурмат қилиш, ҳамкорликда ривожланишга интилишга асосланган “Шанхай руҳи”га содиқлик қўшни ва узоқ минтақалар мамлакатлари, халқаро ва ҳудудий ташкилотларнинг ШҲТ билан ҳамкорлик қилишга қизиқиши-



ни оширди. ХҲРнинг раислик қилган даврида ўтказилган 160 дан зиёд тадбирларнинг ижобий самараси ўлароқ ҳамжихатлик ва яқдиллик пойдевори янада мустаҳкамланди.

Циндаодаги саммитда давлатлар раҳбарлари Хитойнинг ШҲТга раислик қилган йил аяунлигини, келгусидаги ҳамкорлик режаларини атрофлича муҳокама қилдилар, шунингдек, ташкилотнинг ривожланиш йўналишларини белгилаб олдилар. Ушбу саммит бир қанча омиллар орқали ШҲТ фаолиятида янги даврни бошлаб бериб, тарихий аҳамият касб этади.

Биринчидан, ШҲТга аъзо мамлакатлар етакчиларининг Циндаодаги учрашуви ташкилотга янги аъзолар — Ҳиндистон ва Покистон қўшилганидан кейинги илк саммит.

3

АЗИЗ ВА ЯҒОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

«Энди ҳар қанча меҳмон кутсак ярашади»



Тонг саҳарда, қуёшнинг заррин нурлари ҳали ёйилиб улғурмасданок шаҳар бўсағасидаги Богйишамол адириклариде ястанган сокин мавзе алақачон уйғонган, қатор тизилган қирқ бешта чодир-палаткада кўним топган қурувчилар бунёдкорлик ишларига шайланган бўлади. Бу — қайнок ҳаёт нафаси уфуриб турган, таъбир жоиз бўлса, Андижон заминидеги улкан яратувчиликнинг тимсолига айланган Мустақилликнинг 27 йиллиғига аталган янги маҳалланинг бугунги манзараси.

Намунавий лойиҳалар асосида атғи 35 кунда қуриб битказилган

82 та

уй яқиндагина ўз эгаларига тантанали равишда топширилган эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай бу ерда қўшимча

140 та

уй-жой бунёд этишга киришилди. Учинчи босқичда эса

900 та

ҳовли-жой қад ростлайди.

4



(Давоми 2-бетда).

»»»

**Шойим БЎТАЕВ,
«Халқ сўзи» махсус мухбири.
Тошкент — Хўжанд — Душанбе — Тошкент.**



Мақом ижрочиси, хушовоз хонанда Симара Иманова билан Озарбайжон маданият ва санъат университетида учрашдик.
У бизнинг Ўзбекистондан эканлигимизни эшитгач, ҳаяжон ва самимият билан шундай деди: “Юртингиз мен учун ўз Ватанимдек азиз. Зеро, Самарқандда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали сабаб дунёга танилдим. 1997 йилда, 19 ёшимда ушбу санъат анжуманида қатнашиб, Гран-при олганимни ҳеч қачон унутмайман”.

«Ўзбекистон туфайли дунёга танилдим»

Симара эса бармоқлари билан олдидаги столни чертаганча Навоий газалига бас-талган «Қаро қўзим» ашу-ласини шунчалик берилиб ижро этдики, биз, меҳмон-ларга қўшилиб мезбонлар ҳам «Тасанно, офарин» дея хонандани олқишлади.

— «Шарқ тароналари» биринчи халқаро мусиқа фестивалига таклиф этилганимда, жуда ҳаяжонланган эдим, — дейди у. — Негаки, ёш ва тажрибасиз эдим. Қолаверса, бундай нуфузли анжуманда ўша йили 40 га яқин мамлакатлардан мана-ман деган санъаткорлар қатнашиш истагини билдирган... Орандан 21 йил ўтган бўлса ҳам, ўша лаҳзаларни худди ҳозиргидек эслайман. Чиқиш навбати менга етгач, суҳандон: «Симара Иманова, Озарбайжон Республикаси» деб эълон қилди. Афсонавий Регистон майдонига йиғилганлар гулдўрос олқишлар билан мени қутиб олиди. Бу илк далда бўлди. Тезда ўзимни қўлга олиб, қўшиқни бошладим. Биласизми, мени яна нима ҳаяжонлантирди? Регистонда ҳар бир оҳанг, овоз ўзгача жаранглар экан, бундан қаттиқ таъсирландим, илҳом олдим. Ижримдан сўнг тингловчилар узоқ қарсақ чалишди. Очиғи, мен ўзбекларнинг санъатни бунчалик севиши, қадрлаши, қўшиқни берилиб тинглашини қўриб, лол қолдим. Бугунги кунда Ўзбекистонда санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришга бўлган эътибор янада юк-

салганидан ҳавасдаман. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йилда Ўзбекистонда халқаро мақом санъати анжумани ўтказилишини эшיתי-б, хурсанд бўлдим. Биласиз, Озарбайжонда ҳам бундай фестиваль бор. Ўйлайманки, ҳар икки мамлакатда уюштирила-диган санъат анжуманлари ўнлаб, юзлаб истеъдод эгаларини кашф этиш, икки томонлама ўрнатилган дўстона муноса-

бундай муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Диллашув

Бугунги кунда Ўзбекистонда санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришга бўлган эътибор янада юксалганидан ҳавасдаман. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йилда Ўзбекистонда халқаро мақом санъати анжумани ўтказилишини эшיתי-б, хурсанд бўлдим. Биласиз, Озарбайжонда ҳам бундай фестиваль бор. Ўйлайманки, ҳар икки мамлакатда уюштирила-диган санъат анжуманлари ўнлаб, юзлаб истеъдод эгаларини кашф этиш, икки томонлама ўрнатилган дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

батларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Озарбайжон халқ артисти Симара Иманова — айни пайтда университет доценти. У ёшларга мусиқа ва анъанавий ижрочилик йўналишида сабоқ беради. Санъатнинг бекиёс кучи ҳамда инсон онига таъсири ҳақида фикр билдирар экан, жумладан, шундай деди:

— Мусиқа санъати инсонни ҳам-ша эзгуликка қорлайдиган, ҳар қайси одамнинг қалбидаги энг нозик, энг

сифатида таклиф этилганимда ҳам яққол кўзга ташланди. Зеро, фести-валь давомида хориқлик санъаткор-лар нафақат Самарқанд шаҳрида, шу билан бирга, Тайлоқ, Жомбой, Оқдарё туманларида ҳам ўз чиқиш-ларини намойиш этишди. Уларнинг куй-қўшиқларига маҳаллий аҳоли ва-килларининг жўр бўлиши меҳмонлар-га янада илҳом бағишлади. Жумла-дан, ана шундай учрашувларнинг би-рида Филиппин ҳамда Жанубий аф-рикалик созанда ва хонандаларнинг

бадий дастурлари мезбонларга қан-чалик завқ улашган бўлса, маҳаллий хонандаларнинг қўшиқлари Ер юзи-нинг олис нуқталаридан келган меҳ-монлар ҳавасини уйғотди. Чунки куй-қўшиқ, тароналар тили, миллати бошқа-бошқа бўлган давлат вакил-ларини ягона мақсад — Тинчликни мадҳ этишга ундаган эди.

Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг чиқишларини интернет орқали кузатиб бораман. У кишининг бугунги шиддатли даврада жаҳонда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, гўзал ҳаётни қадрлаш, олис ва яқин мамлакатлар билан ўзаро муносабат-ларни мустаҳкамлаб, турли халқлар-нинг маданий бойлиқларидан бир-бири-ни кўпроқ баҳраманд этишга оид ташаббуслари бекиёс аҳамиятга эга. Шу боис бу инсонга бўлган ҳурма-тимни намойиш этишдан чарчамай-ман. Тилагим, Президентингиз соғ-омон бўлсин. Қўлаётган хайрли ишларини давом эттиришида Аллоҳ куч-қувват ато этсин.

Симара Иманова билан хайр-лашар чоғимизда, у жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида концерт дастури намойиш этганини айт-гач, барибир энг катта орузи ушалмаганини ҳам билдирди. Қандай оруз экан, дея қизикқан эдик, жавоб шундай бўлди: «Ўзбекистонда, Регистон майдо-нида яққолан чиқишим билан юр-тингиздаги санъат муҳлисларини хушнуд қилсам, армоним қолмай-ди!»

— Няятингизга етишингизга тилакдошимиз.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» махсус мухбири.
Боку, Озарбайжон Республикаси.

Жиззах томонларда



Йўловчилар узоғи яқин бўлди

Жиззах шаҳридан Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳрига қадар янги поезд қатнови йўлга қўйилди.

— Бундан ўн йиллар олдин туманимиздан вилоят марказига поезд қатнови йўловчилар камлиги рўқач қилиниб тўхтатиб қўйилганди, — дейди фуқаро Тозагул Алланазарова. — Поезд қатновининг қайта тикланиши кўпчиликнинг қувончига сабаб бўлди. Тадбиркорлик билан шугullanувчилар учун бу йўналиш жуда қўл келмоқда.

Фермер опанинг болажонларга туҳфаси

Дўстлик туманидаги Манас қишлоғида фаолият олиб боровчи «Абди ота» фермер хўжалиги раҳбари Муқаддас Абдиева давлат таълим стандартлари асосида фаолият олиб боровчи янги боғча қуриб берди. Унда болаларнинг дам олишлари, машгулотлар ўтказиши учун барча шарт-шароит яратилган.

— Асосий харажатларни фермер хўжалигимиз ҳисобидан амалга оширдик, — дейди Муқаддас Абдиева. — Етма-ганига «Ўзсаноатқурилишбанк» туман бўлимидан 17 мил-лион сўм кредит олдик.

Инглиз, рус тилларини ўргатиш йўлга қўйилган бу боғча 15 нафар болажонни бағрига олди.

“Қувонч” ижодга киришди

Жиззах вилояти мусиқали драма театри қошида “Қувонч” болалар ҳаваскорлик театр-студияси ташкил этилди.

— Масканимизда театр санъатига қизиқувчан ёшлар йиғилган, — дейди театр-студияси бадий раҳбари Гулшан Каримова. — Уларга устоз санъаткорлар сабоқ бермоқда.

Ижодий жамоа томонидан “Хасис бой ва хизмат-кор” номли театрлаштирилган томоша сахналашти-рилди. Мазкур спектакль қатор таълим муассасала-ри, ҳарбий қисмлар ҳамда ёзги оромгоҳларда на-мойиш этилди.

Толибжон ЭРҒАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

“QQB-MOBILE” — барча хизматлар мобиль телефонингизда!

Замонавий
Қулай
Тезкор

ДАСТУРДАН ФОЙДАЛАНИБ:

- Мобиль алоқа операторлари, шаҳар телефони, интернет провайдерлар, рақамли телевидение хизматлари;
- «Қишлоқ қурилиш банк»дан олинган истеъмол ва ипотека кредитлари;
- коммунал хизматлар;
- Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жарималари учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Илова ёрдамида «МУНИС» тўлов тизими орқали «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ пластик картасидан маблағларни бошқа банк пластик картасига ўтказиш имконияти мавжуд.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

(+99871) 150-39-93, 150-76-47

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

ҚУЛАЙЛИК

Замонавий аквапарк

Самарқанд шаҳрида «Дабусия Самарқанд аквалайн» масъулияти чекланган жамияти томонидан замонавий аквапарк бунёд этилди.

Ушбу масканд алоҳида чўмилиш жойи, бассейни, жа-кузи, аттракционлар мав-жуд. Бу ерда бир вақтнинг ўзида минг, кун давомида эса қарийб тўрт минг нафарга яқин кишиларга хизмат кўрсатилади.

Аквапаркда махсус авто-турароҳлар, умумий овқат-ланиш шохобчалари ҳам ишлаб турибди.

— Мазкур лойиҳа қийма-тининг 40 фоизи хитойлик инвесторларга тегишли, — дейди ижрочи директор

Бахриддин Иброҳимов. — Йил охиригача яна киши бассейни, соғломлаштириш маркази, 200 ўринга мўлжалланган меҳмонхона қурилишини якунига етказиш режалаштирилган. Айни пайтда 30 нафар ходим фаолият юритяпти. Тўлиқ қувватда иш бошланиши билан яна 90 нафар юрдо-шимизнинг бандлиги таъ-минланади.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ТО‘PALANG HPD HOLDING» МЧЖ

қурилиш-монтаж, кадрлар ишини юритиш, иқтисодиёт соҳалари бўйича малака ва тажрибага эга бўлган ёш мутахассисларни

танлов асосида ишга қабул қилиш мақсадида

2018 йил август ойининг пайшанба кунлари соат 15.00 дан бошлаб соҳадаги етук мутахассислар иштирокида танлов эълон қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.
«Ўзбекгидроэнерго» АЖ биносининг ён томонидан кирилади.

Мўлжал: Ёшлар театри.
Автобуслар: 28, 69, 91, 115, 168, 173.

Мурожаат учун телефон: (+99895) 475-60-70.



«ELXOLDING»

ЮК ТАШУВЧИ
МОТОЦИКЛЛАР

ТЎЛОВ ШАКЛИ —
ТУРЛИЧА
ВА КРЕДИТГА.

Тел.: (+99893) 330-50-00,
(+99871) 239-12-54.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси
Йўлдош МУҚИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Алиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилояти Ахборот-кутубхона маркази директори вазифасини бажарувчи Маъруф Абдушукуровга онаси
Чинниҳол АЛИҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 78 034 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълолар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наприйет-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наприйет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.20 Топширилди — 01.55 1 2 3 4 5 6